

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



Хорижий инжиниринг компаниялари томонидан Ўзбекистонда лойиҳа гуруҳлари ташкил қилинади

Президентнинг 22.02.2018 йилдаги ПҚ-3557-сон «Иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини ҳамда муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори имзоланди.

Ҳужжатда иқтисодиёт базавий тармоқларидаги лойиҳа ишларини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди.

Биринчидан, лойиҳалаш ва лойиҳани бошқариш соҳасида муҳандис кадрлар тайёрлаш тизими такомиллаштирилади. Чет эл таълим муассасаларидан ва инжиниринг компанияларидан етакчи мутахассислар ва муҳандис-лойиҳаловчилар ўқув жараёнига кенг жалб этилади.

Иккинчидан, ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари талабалари иқтисодиёт базавий тармоқларининг корхоналари ва лойиҳа институтларида мажбурий стажировкадан ўтадилар. Бу куйидаги олий ўқув юртларида таълим олувчиларга тегишли:

➤ Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;

- Тошкент шаҳридаги Инха университети;
- Тошкент кимё-технология институти;
- Тошкент архитектура-қурилиш институти;
- Навоий давлат кончилик институти.

Мазкур олий таълим муассасалари ўқув режалари ва дастурларига лойиҳани бошқариш ва лойиҳалаш асослари бўйича дарслар киритилади, улар лойиҳани бошқариш ва лойиҳалаш асослари бўйича янги авлод ўқув адабиётлари билан таъминланади. У ерга талабалар учун муаллифлик машғулоти ва мастер-класслар ўтказиш учун етук мутахассислар ва муҳандис-лойиҳаловчилар жалб қилинади.

Учинчидан, лойиҳа ишларининг маҳаллийлаштириш даражасини ошириш лозим. Ривожлантириш давлат дастурлари доирасидаги лойиҳаларни амалга оширишда чет эл инжиниринг компаниялари хизматлари ўрни босқичма-босқич эгалланади.

Тўртинчидан, иқтисодиёт базавий тармоқларининг объектларида контрактлар бўйича лойиҳалаш ишларини амалга ошираётган чет эл инжиниринг компаниялари томонидан лойиҳа институтларида лойиҳа гуруҳлари ташкил этилади. Шу тариқа, мамлакатимиз муҳандис-лойиҳаловчилари ва бошқа мутахассисларига лойиҳалашнинг замонавий стандартлари амалий ўргатилади.

Лойиҳа гуруҳлари ўз фаолиятини Ўзбекистондаги норезидент доимий муассаса мақомисиз амалга оширади.

Бешинчидан, лойиҳа ишларини сифатли бажариш учун лойиҳа институтлари зарур замонавий ташкилий техника ва асбоб-ускуналар, хорижий илмий-техник адабиётлар, жаҳондаги ихтисослаштирилган наشرлар махсуслотлари, шунингдек, илғор дастурий махсуслотлар билан жиҳозланади.

Бундан ташқари, лойиҳа институтларига қуйидагилар рухсат этилади:

чет эллик юқори малакали мутахассисларни тўғридан-тўғри фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар асосида лойиҳа ишларини бажаришга жалб этиш ва уларга халқаро амалиётда қабул қилинган нарх ва миқдорларга мувофиқ ҳақ белгилаш;

хорижий ташкилотлар ва мутахассислар билан ишлаганда ҳар қандай техник ва тижорий ҳужжатлар ва ахборотдан биргалликда фойдаланиш. Давлат сирлари ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат маълумотлар бундан мустасно.

«ЎзИнжиниринг» РПИ иқтисодиёт базавий тармоқларида лойиҳалаш ишларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, у ихтисослаштирилган олий таълим муассасалари, иқтисодиёт базавий тармоқларининг корхоналари ва лойиҳа институтлари ўртасида юқори малакали муҳандис-лойиҳаловчиларни тайёрлаш масалари бўйича ҳамкорлик қилувчи орган ҳисобланади.

Эълон

«NORMA»
ГАЗЕТАЛАРИ БИРЛАШГАН ТАҲРИРИЯТИ
ва «NORMA»
ПРОФЕССИОНАЛ РИВОЖЛАНИШ
МАРКАЗИ

сизни ўзбек тилидаги

«КАДРЛАР ИШИНИ ЮРИТИШ»

ўқув курсига таклиф этади.

- Ўқиш муддати – 40 академик соат
- Ўқитувчи – А.Рисқуллаев.
- Машғулотлар 5 мартдан бошланади.

Машғулотлар 10 кун давомида иш кунлари соат 9.30 дан 13.00 гача (кофе/брейкка чиқиш танаффуси билан) ўтказилади.

«Солиқ ва боғхона хабарлари» ва «Налоговые и таможенные вести» газеталарининг обуначилари ҳамда «NORMA» ахборот кидирув тизими фойдаланувчилари учун ўқиш қиймати 600 000 сўмни ташкил этади.

«NORMA» дастурий махсуслотларидан фойдаланувчи бўлмаган ташкилотлар ва шахслар учун курс тўлови 720 000 сўмни ташкил этади.

Машғулотларни ўтказиш жойи – «NORMA» профессионал ривожланиш маркази.

Тошкент ш., Таллимаржон кўчаси, 1/1 (мўлжал – «Электрораппарат» заводи).

Қўшимча ахборот олиш – 200-00-45 телефон рақами орқали ва nrm.uz сайтида.

Хизматлар лицензияланган

2018 йилда Олий Мажлисга қандай қонун лойиҳаларини кўриб чиқади

Вазирлар Маҳкамасининг 2.02.2018 йилдаги 73-сон қарори билан 2018 йилда қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш дастури тасдиқланди.

Дастур икки бўлимдан иборат.

Биринчисига Президентнинг қарорларида назарда тутилган қонун лойиҳалари киритилган. Улар сирасида, масалан, «Инновацион фаолият тўғрисида», «Фан тўғрисида»ги қонунлар ва «Таълим тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири мавжуд.

Шунингдек (тахминан июль ойида) ўтган йил кузда жамоат муҳокамасига тақдим этилган «Давлат хизмати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси Парламентга киритилади.

Бундан ташқари, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга навбатдаги тузатишларни киритиш режалаштирилмоқда. Бу тузатишларда, хусусан, қуйидагилар учун маъмурий жавобгарликни жорий этиш назарда тутилмоқда:

- арз қилувчидан электрон ҳужжат, сўров, мурожаатни қабул қилишни рад этганлик;
- давлат хизматлари кўрсатишда жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ҳамда муддатларини бузганлик;
- арз қилувчидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентида назарда тутилмаган ҳужжатларни сўраб олганлик;
- давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида ваколатли давлат органи ва бошқа ташкилотнинг қонуний талабларини (топшириқларини) бажармаганлик.

Иккинчи бўлим мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда давлат бошқаруви органларининг ташаббуслари ва таклифлари асосида ишлаб чиқиладиган қонун лойиҳаларини ўз ичига олади.

Бошқалар қатори, Солиқ кодексининг 179-моддасига ўзгартиришлар киритиш режалаштирилмоқда. Лойиҳада фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларини олий таълим муассасасида турмуш ўртоғининг таълим олиши учун тўловга йўналтирилганда солиқ тўлашдан озод этиш таклиф қилинмоқда. Эслатиб ўтамай, ҳозир ушбу импийвз фақат ўзининг ўқиши ёки 26 ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун ҳақ тўлаганда амал қилади.

Шунингдек «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга бир қатор тузатишлар тайёрланмоқда, уларда қуйидагилар назарда тутилган:

- акциядорлик жамияти устав капиталининг энг кам миқдорида бўлган талабни 400 млн сўмгача камайтириш (ҳозир – 1 млрд 600 млн сўм);
- акциядорлик жамиятлари устав капиталда чет эллик инвесторлар улуши камида 15%ни ташкил этиши лозим бўлган тартибни бекор қилиш;
- акциядорлик жамиятларига акцияларни номинал қиймат билан ёки номинал қийматсиз чиқаришни мустақил танлаш ҳуқуқини бериш.

Умуман олганда жорий йилда 24 та қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш учун киритиш режалаштирилмоқда.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 9.02.2018 йилда кучга кирди.

2-бетда

Ушбу
сонда:

3-БЕТ

Ишдан бўшаётганда қарзим йўқлиги
варақасини тўлдирим шартми?

6-БЕТ

Автомобиль харидида битимни
тўғри расмийлаштиринг

7-БЕТ

Паспорт хорижда йўқотилган ёки
ўғирлатилган бўлса...

Кўчмас мулк ва автога доир битимларни расмийлаштириш арзонлашди

Вазирлар Маҳкамасининг 15.02.2018 йилдаги 123-сон қарори билан нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун ундириладиган давлат божи ставкалари ўзгартирилди.

Мазкур шарҳда кўчмас мулк ва автотранспорт воситаларига доир битимларни, шунингдек тегишли ишончномаларни нотариал расмийлаштирганлик учун янги ставкалар келтирилган.

Кўчмас мулкка доир битимлар ва ишончномалар бўйича ставкалар

1. Кўчмас мулкнинг олди-сотди, ҳада ва айирбошлаш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи мулкнинг жойлашган жойига қараб белгиланади:

Кўчмас мол-мулк жойлашган жой	Кўчмас мулкнинг умумий майдонига қараб		
	100 кв.м гача бўлганда	100 кв.м дан 200 кв.м гача бўлганда	200 кв.м ва ундан ортиқ бўлганда
Тошкент*, Нўкус шаҳарлари ва вилоят марказлари	ЭКИХнинг 1 баравари миқдорида	ЭКИХнинг 2 баравари миқдорида	ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида
Бошқа аҳоли пунктлари	ЭКИХнинг 50%и миқдорида	ЭКИХнинг 1 баравари миқдорида	ЭКИХнинг 1,5 баравари миқдорида

*Жадвалда кўрсатилган ставкалар мижознинг Тошкент шаҳрида доимий пропискеси мавжуд бўлгандагина қўлланилади. Бошқа ҳолда 2017 йил июлдан амалга киритилган шартлар ва давлат божи ставкалари қўлланилади.

Мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига кўчмас мол-мулкни ўтказиш билан боғлиқ шартномалар расмийлаштириладиганда давлат божи белгиланган ставканинг 50%и миқдорида ундирилади.



2. Кўчмас мулкни тасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни тасдиқлаганлик учун давлат божи қуйидаги миқдорларда ундирилади:

- мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига – ЭКИХнинг 25%и миқдорида;
- бошқа шахсларга – ЭКИХнинг 50%и миқдорида.

Автомототранспортга доир битимлар ва ишончномалар бўйича ставкалар

1. Автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномаларини тасдиқлаганлик учун давлат божи ставкалари 2-5 баравар пасайтирилди. Улар қаерда ишлаб чиқарилганидан (маҳаллий ёки хорижий) қатъи назар бир хил миқдорда қўлланилади (ҳозир хорижий автотранспортларга доир битимлар бўйича ставка 2-3 баравар юқори).

Транспорт воситасининг двигател қуввати	Ишлаб чиқарилган муддатига қараб:		
	3 йилгача бўлганда	3 йилдан 7 йилгача бўлганда	7 йил ва ундан ортиқ бўлганда
60 от кучигача бўлганда	ЭКИХнинг 4 баравари миқдорида	ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида	ЭКИХнинг 2 баравари миқдорида
60 от кучидан 110 от кучигача бўлганда	ЭКИХнинг 6 баравари миқдорида	ЭКИХнинг 4 баравари миқдорида	ЭКИХнинг 3 баравари миқдорида
110 от кучидан юқори бўлганда	ЭКИХнинг 10 баравари миқдорида	ЭКИХнинг 8 баравари миқдорида	ЭКИХнинг 5 баравари миқдорида
Битта мототранспорт, мотоцикл, мотоцикл учун	ЭКИХнинг 50%и миқдорида	ЭКИХнинг 25%и миқдорида	ЭКИХнинг 10%и миқдорида

Бунда қуйидаги шартномаларни расмийлаштиришда амалдаги имтиёзли ставкалар сақланиб қолади:

- мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига автотранспорт воситаларини ўтказиш шартномаларни расмийлаштириладиганда давлат божи белгиланган ставканинг 5%и миқдорида ундирилади;
- банк кредитлари ҳисобига сотиб олинadиган автотранспорт воситаларининг олди-сотдиси учун давлат божи белгиланган ставканинг 10%и миқдорида ундирилади;
- ИТХ натижасида шикастланган автотранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш шартномалари – давлат божи миқдори шу транспорт воситалари роқилигининг қолдиқ фоизига қараб ўзгартирилади.

2. Автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф қилиш ҳуқуқини берувчи ишончномаларни, шунингдек улардан текин фойдаланиш шартномаларини нотариал тасдиқлаганлик учун ставкалар 1,7 баравар пасайтирилди ва қуйидаги миқдорларни ташкил қилди:

- мулкдорнинг хотинига (эрига), унинг ва хотинининг (эрининг) ота-оналарига, болалари ва уларнинг эр-хотинларига, набираларига, бувиларига, буваларига, ака-укалари ва опа-сингилларига, жияналарига – ЭКИХнинг 50%и;
- бошқа шахсларга – ЭКИХнинг 3 баравари.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган. Давлат божининг янги ставкалари 1.03.2018 йилдан татбиқ этилади.

Бўш иш ўринлари минтақавий ярмаркалари қандай ўтказилади

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг буйруғи (АВ томонидан 21.02.2018 йилда 2973-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Касб-хунар коллежлари базасида бўш иш ўринлари ва ўз бизнесини бошлашга кўмаклашиш ярмаркаларини ўтказиш бўйича намунавий регламент тасдиқланди.

Эслатиб ўтамиз, Меҳнат ва аҳоли бандлигини таъминлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурида ҳар бир туманда (шаҳарда) бизнес-лойдлар ярмаркаларининг касб-хунар коллежлари базасида, битирувчиларга тадбиркорлик фаолияти учун микрокредитлар ва мураккаб бўлмаган технологик ускуналарни лизингга бериш орқали, ҳар йили ўтказилиши назарда тутилган.

Намунавий регламент асосида ярмарка ташкилотчи-си регламенти тасдиқланди. Ярмаркалар режа-жадвалга мувофиқ тегишли ҳудудлардаги бандликка кўмаклашиш туман (шаҳар) марказлари томонидан ташкил қилинади. Режа-жадвал ҳар йилнинг бошида Қорақалпоғистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, вилоятлари ва Тошкент шаҳри бандлик бош бошқармалари томонидан тасдиқланади.

Ярмаркаларда қуйидагилар иштирок этишлари мумкин:

- коллеж ўқувчилари;
- ишсизлар;
- барча ташкилотлар, шу жумладан бўш иш ўринларига эга бўлганлари, шунингдек мини-технологияларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи ташкилотлар;
- тижорат банклари;
- иштирок этиш истагини билдирган бошқа жисмоний ва юридик шахслар.

Ярмарка туман (шаҳар) бандликка кўмаклашиш марказларининг биноларида яқинбадан ташқари, ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача ўтказилади. Ярмаркага кириш – bepул. Ярмарка ўтказиладиган жойнинг манзили, ўтказиш санаси, вақти кўрсатилган ҳолда, ярмарка бошлангичи ҳақидаги маълумот олдиндан ОАВда ёритилади.

Ташкилотчилар ярмарка ташкил этилишидан камидан 15 кун олдин бўш иш ўринлари мавжуд бўлган ташкилотлар, тижорат банклари, шунингдек турли мини-технологияларни ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан шуғулланувчи корхоналарга – агар ҳудудда шундайлар мавжуд бўлса, иштирок этишлари юзасидан тақлифнома юборади.

Ярмаркада иш изловчиларга ва ўз бизнесини бошламоқчи бўлганларга қуйидаги масалалар бўйича маълумот тақдим этилади:

- мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ҳақида, ишнинг хусусияти ва тахминий ойлик маоши тўғрисидаги маълумотлар;
- кредитлар олиш;
- бизнес лойиҳаларини ишлаб чиқиш, лизингга техника олиш ва бошқа маълумотлар.

Шунингдек тадбирда иштирокчиларга меҳнат шартномаларини тузишда, ишга йўлланмаларни расмийлаштиришда амалий кўмак кўрсатадиган, тегишли маслаҳатлар бера оладиган мутахассислар иштирок этадилар.

Ярмарка давомида хоҳловчилар меҳнат шартномаларини тузишлари ҳамда кредит ва ускуналар олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришлари мумкин.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.02.2018 йилдан кучга кирди.

Олег Заманов, Ленера Хикматова, «Norma» МЧЖ экспертлари.

УШБУ СОНДА	• ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР	– Қарзим йўқлиги варақасини топширмасам бўлади	– Саломатлиги панд бермаса	• ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ
	– Янги ҳужжатларни тақдим этиш	– Меҳнат муносабатлари шартномадан бошланади	– Автотранспорт билан боғлиқ битим: тўғри расмийлаштириш	– Паспорт йўқотиб қўйилган бўлса
	– Нотариал ҳаракатлар учун барча тўловлар – фақат «Нотариус» ААТ орқали	– Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатлар: ишдан бўшатиш	• НОРМАТИВ ЛОЙИХА	– Қоидабузар учун жазима
	1-2, 7-бетлар	• АВТОНОРМА	– Тартиб ўзгаради	– Ташвишли ҳолат
	• КАДРЛАР БЎЛИМИ	– Техник қўриқдан ўтказишда янги қоидалар	• ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН	– Ҳаммаси қоидага биноан
	– Ходим касал бўлиб қолди – синов муддатини узайтириш	– Келишилган йўлда	– Инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун	– 10 кунлик муддат берилди
	– Ишдан бўшатишга меҳнат дафтарчаси қандай қайтарилади	– Қўнғуз чироқ ёқилди	– Бу ердан бегоналар ўтмайди	– Бошқа ҳудудлардан келганлар учун кўчмас мулк
			5-6-бетлар	– Қоидаларни бузганлик учун жазималар пасайтирилади
				7-8-бетлар

Тахририят аноним хатларга муносабат билдирмаслика, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақидаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслика ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бериш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetalarl birlashgan tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Ташкилотимизга бошқа ташкилотдан таклиф қилинган ходим ишга қабул қилинди. Унга 2 ойлик синов муддати белгиланди. Бу даврда у 2 ҳафта касал бўлди. Синовни узайтириш керакми?

Р.Зусимова.

Ходим касал бўлиб қолди – синов муддатини узайтиринг

– Ҳа, узайтириш керак.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик даври ва ходим узрли сабабларга кўра ишда бўлмаган бошқа даврлар дастлабки синов муддатига киритилмайди (МКнинг 85-моддаси 2-қисми).

Шу сабабли ходим синов муддати даврида касал бўлиб қолса, иш берувчи буйруқ билан дастлабки синов муддатини, бироқ ходим узрли сабабга кўра бўлмаган, яъни 2 ҳафталик давргагина узайтиришга ҳақли.

Ишдан бўшатишга меҳнат дафтарчаси қандай қайтарилади

Кадрлар бўлимида йигмажилдлар қабул қилиб-топширилгандан кейин ишдан бўшатишга ходимларнинг меҳнат дафтарчалари чиқиб қолди. Уларни нима қилиш керак?

К.Вуткова.

– Тезкор тартибда ҳар бир ишдан бўшатишга ходимга почта орқали меҳнат дафтарчасини олиш зарурлиги кўрсатилган хабарномаларни жўнатиш чораларини кўриш керак.

Одатда, меҳнат шартномаси бекор қилинган кун иш берувчи ходимга унинг меҳнат дафтарчасини ва меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ҳақидаги буйруқнинг нусхасини бериши шарт (МКнинг 108-моддаси).

Ишдан бўшатишга кун иш берувчи ишда бўлмаган тақдирда, иш берувчи ўша кун иш берувчи почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида огоҳлантирувчи хабарнома жўнатиши шарт (бошқа хатлар ҳисобга олинмайди ва АВ томонидан 29.01.1998 йилда 402-сон билан рўйхатдан ўтказилган йўриқноманинг 3.1-банди асосида иш қўрилади).

Ходимнинг меҳнат дафтарчасини яшаш жойига почта орқали жўнатиш фақат унинг розилиги билан амалга оширилади (Йўриқноманинг 3.3-банди).

Ишдан бўшаган ходимлар меҳнат дафтарчаларини ўз вақтида олмаган тақдирда, улар ишлаётган ходимларнинг меҳнат дафтарчаларидан алоҳида қилиниб, корхона ходимлар бўлимида 2 йил давомида сақланади. Ушбу муддат давомида ҳам йўқлаб келинмаган ва олинмаган меҳнат дафтарчалари иш берувчи архивида 50 йил сақланади ва ушбу муддатдан сўнг белгиланган тартибда йўқотилиб юборилиши мумкин (Йўриқноманинг 5.2-банди).

Сизнинг ҳолатда меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда меҳнат дафтарчаси берилмаган ва уни олиб кетиш (ёки уни почта орқали жўнатишга розилик бериши) зарурлиги тўғрисида хабарнома юборилмаган бўлса, ишдан бўшатишга ходимларга бундай хабарномани илҳом борица тезроқ жўнатиш керак. Зеро бу ҳужжат юборилган кундан бошлаб иш берувчи меҳнат дафтарчасини бериши кечиктирилганлик учун жавобгарликдан озод этилади.

Меҳнат дафтарчасини бериши кечиктирилганлик учун жавобгарлик меҳнат ва маъмурий қонунчиликда назарда тутилган. Хусусан, ходим меҳнат қилиш имкониятидан гайриқонуний равишда маҳрум этилган барча ҳолларда ололмай қолган иш ҳақини иш берувчи унга тўлаши шарт (МКнинг 188-моддаси). Бундай мажбурият, агар иш ҳақи:

➤ ишга қабул қилиш гайриқонуний равишда рад этилганлиги;

➤ меҳнат шартномаси гайриқонуний равишда бекор қилинганлиги ёки ходим гайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилганлиги ва меҳнат низоларини кўрувчи органнинг бундай ишлар юзасидан чиқарилган қарори ўз вақтида бажарилмаганлиги;

➤ меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганлиги;

➤ ҳар қандай йўллар билан ходимнинг шаънига доғ туширувчи маълумотлар тарқатилганлиги натижасида, башарти бу маълумотлар ҳақиқатга тўғри келмаса;

➤ шунингдек бошқа ҳолларда олинмай қолган бўлса, келиб чиқади.

Мансабдор шахс томонидан меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг бузилиши ЭКИХнинг 2 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 49-моддаси). Худди шундай ҳуқуқбузарлик вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.



Қарзим йўқлиги варақасини топширмасам бўладими

Ишдан бўшаётганимда қарзим йўқлиги варақасини расмийлаштириб топширишимни талаб қилмоқдалар. Бундан бош тортишим мумкинми?

Т.Нибин.

– Мулкчиликнинг барча шаклидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг кўпчилигида ходимдан меҳнат шартномасини бекор қилиш чоғида қарзи йўқлиги варақасини тақдим этишни талаб қиладилар.

Одатда, аксарият иш берувчилар ҳам шундай фикрда, бу ҳужжат ходимнинг турли хизматлар (бухгалтерия, омбор ва ҳ.к.) олдида моддий қарзи йўқлигини тасдиқлаши керак.

Шу сабабли амалиётда ишдан бўшаётган ходим қарзи йўқлиги варақасини топширмасе, у билан ҳисоб-китоб қилиш ва меҳнат дафтарчасини беришни кечиктиришларини айтиб, нўписа қиладилар.

Натижада ходим ўз ҳуқуқларини билмаган ҳолда ушбу ҳужжат билан эшикма-эшик юриб, бошқа ходимларни ишдан қалгитган ҳолда имзо тўплайди.



Меҳнат муносабатлари шартномадан бошланади

Меҳнат шартномаси меҳнат муносабатлари юзага келиши учун ягона асос ҳисобланадими?

Т.Онерова.

– Ҳа, сабаби ходим билан иш берувчи ўртасидаги меҳнат муносабатлари аниқ меҳнат шартномаси асосида юзага келади. Меҳнат шартномасисиз тарафларнинг ҳуқуқлари ҳам, мажбуриятлари ҳам юзага келмайди. Бунда Меҳнат кодекси билан айрим ҳолларда меҳнат муносабатлари юзага келишидан олдин амалга оширилиши мумкин бўлган бир неча қўшимча ҳолатлар белгиланган (МКнинг 72-моддаси):

➤ лавозимга сайланиш, шу жумладан тегишли лавозимни эгаллашга танловдан ўтиш;

➤ лавозимга тайинланиш ёки лавозимда тасдиқланиш;

➤ корхоналарга белгиланган минимал иш жойлари ҳисобидан иш билан таъминлаш тартибда туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ишга юбориш;

➤ меҳнат шартномаси тузиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарори.


Меҳнат шартномаси тегишли равишда расмийлаштирилмаган ҳолда ҳам, агар ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томони-

Шу аснода иш берувчининг айби билан меҳнат шартномасини бекор қилиш муддати чўзилиб кетади.

Ходим қайтармаган товар-моддий бойликлар белгиланган тартибда ундан ундириб олиниши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам меҳнат шартномаси бекор қилинган кунда ходимга меҳнат дафтарчаси берилиши ва у билан ҳисоб-китоб қилиниши шарт (МКнинг 107, 108, 110-моддалари).

Шу тариқа, меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида меҳнат шартномаси бекор қилинаётганда ходимнинг қарзи йўқлиги варақасини расмийлаштириш мажбурияти назарда тутилмаган, шу муносабат билан у иш берувчининг мазкур талабини бажаришдан бош тортишга ҳақли.

Агар қарзингиз йўқлиги варақасини расмийлаштиришдан бош тортиш натижасида меҳнат шартномасини бекор қилишда иш берувчи ҳуқуқларингизни бузишга қаратилган ҳатти-ҳаракатларни содир этса (шу жумладан якуний ҳисоб-китоб қилиш ва меҳнат дафтарчасини беришни кечиктирса), туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази – давлат меҳнат ҳуқуқ инспектори ёхуд судга шикоят билан мурожаат қилишга ҳақлиси.



дан ёки унинг ижозати билан ёхуд иш берувчи ёки унинг вакилининг топшириғига биноан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат муносабатлари юзага келади (МКнинг 82-моддаси).

Шу тариқа, аниқ меҳнат шартномаси меҳнат қилишга доир конституциявий ҳуқуқни амалга оширишнинг асосий ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳисобланади.

Меҳнат фаолияти жараёнида, ходимлар ва иш берувчиларнинг хоҳиш-иродасидан ташқари, ходимнинг ишдан бўшатилишини талаб этувчи ҳолатлар юзага келиши мумкин.

Қуйидагилар ана шундай ҳолатларга киради (МКнинг 106-моддаси):

- 1) ходимнинг ҳарбий ёки муқобил хизматга қақририлиши;
 - 2) шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланиши;
 - 3) ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кириши, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланиши;
 - 4) ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидаларнинг бузилиши, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса;
 - 5) ходимнинг вафот этиши;
 - 6) қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар.
- Ҳар битта бандни алоҳида кўриб чиқамиз.

Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларда ишдан бўшатиш тартиби

1 Ходимнинг ҳарбий ёки муқобил хизматга қақририлиши (МКнинг 106-моддаси 1-банди)

Ходим ҳарбий хизматга қақририлиши муносабат-ти билан меҳнат муносабатларини бекор қилиш учун мудофаа ишлари органи томонидан берилган қақриув далилини тасдиқловчи ҳужжат (масалан, ҳарбий комиссариат қақриув қоғози) тақдим этилади.

Бу ҳолда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланади (МКнинг 109-моддаси).

2 Шу ишни илгари бажариб келган ходимнинг ишга тикланиши (МКнинг 106-моддаси 2-банди)

МКнинг 106-моддаси 2-банди бўйича меҳнат шартномасини бекор қилишга, қонун ҳужжатлари-га асосан шу ишни илгари бажариб келган ходимни ишга тиклаш иш берувчининг мажбурияти ҳисоблан-ган ҳолларда йўл қўйилади.

Ходимни (ғайриқонуний равишда ишдан бўшати-лан ёки бошқа ишга ўтказилган) ишга тиклаш учун асослар турлича бўлиши мумкин:

➤ суднинг ҳал қилув қарори, юқори турувчи ор-ган ёки иш берувчининг ўзининг қарори, шунингдек меҳнат ҳақидаги қонунларга риоя қилиш устидан назорат олиб борувчи органлар талаби (масалан, прокурор протести, меҳнат инспектори кўрсатмаси) бўйича қабул қилинган;

➤ меҳнат низоларини кўрувчи комиссия қарори;

➤ ҳарбий ёки муқобил хизматга қақририлган ходим захирага бўшатирилган ёки истеъфога чиққанлиги са-бабли, агар хизматга қақририлиб, ишга қайтиб келиши қунигача 3 ой ўтмаган бўлса (МКнинг 68-моддаси 4-қисми), аввалги ишга қайтиб келиши;

➤ ноқонуний судланиши сабабли меҳнат шарт-номаси бекор қилинган ходимнинг ишга тиклаш ҳа-қидаги талабларининг қаноатлантирилиши (МКнинг 271-моддаси 3-қисми);

➤ ишга қабул қилишнинг рад этишнинг ноқонуний деб топилганлиги сабабли, ходимни ишга қабул қи-лингандан топиш ҳақидаги даъвогарнинг талабини қаноатлантириш.

Меҳнат кодексининг 106-моддаси 2-банди бўйича меҳнат шартномасининг бекор қилиниши тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга тегишли деб ҳисобланиши сабабли, шундай асосларга кўра меҳ-нат шартномасини бекор қилиш, МКнинг 106-модда-сида кўрсатилган асослар бўйича ҳам, қасаба уюш-маси ёки бошқа вақиллик органининг розилигисиз амалга оширилади (ОСПнинг 17.04.1998 йилдаги 12-сон қарори 41-банди).

Бу ҳолда ходимни ишдан бўшатишдан олдин иш берувчи унга мутахассислиги ва малакасига муво-фиқ келадиган ишни, бундай иш бўлмаган тақдирда эса, – корхонада мавжуд бўлган бошқа ишни тақлиф

этиши шарт. Фақат бундай иш бўлмаган тақдирда, меҳнат шартномаси умумий асосларда бекор қили-ниши мумкин (МКнинг 92-моддаси).

Бунда ходимга ўртача ойлик иш ҳақидан кам бўл-маган миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланган ва моддий мадад бериш учун қўшимча кафолатлар тақдим этилган бўлиши керак (МКнинг 67, 109-мод-далари).

3 Ходимни жазога маҳкум этган суднинг ҳукми қонуний кучга кириши, башарти бунинг натижасида ходим аввалги ишини давом эттириш имкониятидан маҳрум этилган бўлса, шунингдек ходим суднинг қарорига биноан ихтисослаштирилган даволаш-профилактика муассасасига йўлланиши (МКнинг 106-моддаси 3-банди)

Бундай вазиятда суднинг ҳукми ўз ҳолича меҳнат шартномасини бекор қилиш учун асос саналмайди. Ушбу ҳукм:

➤ кучга кириб бўлган бўлса;

➤ ишни давом эттиришни истисно этувчи жазо-ни назарда тутаетган бўлса, ана шундай ҳукм деб ҳисоблаш мумкин.

Фақат мазкур 2 та зарурий шарт мавжуд бўлган-да иш берувчи ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида тегишли буйруқ чиқаришга ҳақли.

4 Ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоидаларнинг бузилиши, агар йўл қўйилган қоидабузарликни бартараф этишнинг имкони бўлмаса ва у ишни давом эттиришга тўсқинлик қилса (МКнинг 106-моддаси 4-банди)

Ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоида-ларнинг бузилишига, хусусан, қуйидагиларни ишга қабул қилиш киради:

➤ суд ҳукмига кўра суд томонидан белгиланган муддат мобайнида муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахслар;

➤ ўзаро яқин қариндош ёки қуда-анда бўлган шахслар, башарти улардан бири иккинчисига бе-восита бўйсуниб ёки унинг назорати остида хизмат қиладиган бўлса, бир давлат корхонасида бирга хизмат қилишлари (МКнинг 79-моддаси). Мазкур талаб Давлат (акционерлик) корхоналарининг Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 79-моддасида назарда тутилган қариндош-уруғ-ларнинг, агар уларнинг хизматлари улардан бири-нинг бошқасига бевосита бўйсунуши ёки назорати остида бўлиши билан боғлиқ бўлса, бирга хизмат қилишларини чеклаш қоидаларидан истисно эти-лиши мумкин бўлган ходимлари рўйхатида (ВМнинг 11.03.1997 йилдаги 133-сон қарорига 3-илова) кўр-сатилганларга таъбиқ этилмайди;

➤ ўриндошлар, корхонада меҳнат шартлари бўйича тегишли чекловлар жорий этилгандан кейин;

➤ вояга етмаганлар ва аёллар, қонун ҳужжат-лари билан уларнинг меҳнатини қўллаш тақиқлан-ганда.

Бунда меҳнат шартномасининг МК 106-модда-сининг 4-банди бўйича бекор этилишига, ишга қа-бул қилишдаги қоидабузарликни бартараф этиш мумкин бўлмаса ва бу ишни давом эттиришга тўс-қинлик қилган ҳолдагина йўл қўйиш мумкинлигини ёдда тутиш зарур бўлади (ОСПнинг 12-сон қарори 43-банди).

Ишга қабул қилиш юзасидан белгиланган қоида-лар ходимнинг айби билан бузилган ҳоллардагина (суднинг муайян лавозимни эгаллаш ёки муайян фаолият тури билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳақидаги ҳукмини яшириш, сохта ҳужжатлар тақдим этиш ва ҳ.к.) ишдан бўшатиш нафақаси тў-ланмайди.

5 Ходимнинг вафот этиши (МКнинг 106-моддаси 5-банди)

Меҳнат шартномаси ходимнинг ўлими тўғриси-даги гувоҳнома асосида, у вафот этган ёки беда-рак йўқолган деб топилганда эса – суднинг қарори асосида бекор қилинади. Меҳнат шартномаси бекор қилинган кун деб, календарь санасидан қатъи назар, ходим вафот этган кун ҳисобланади.

6 Қонунда назарда тутилган бошқа ҳоллар (МКнинг 106-моддаси 6-банди)

Меҳнат шартномасининг МК 106-моддаси-нинг 6-бандига кўра бекор қилинишига, тегишли қонун ҳужжати меҳнат муносабатларининг МК 106-моддасининг 1–5-бандларида санаб ўтилма-ган меҳнат шартномаси қатнашчилари ихтиёрига боғлиқ бўлмаган бошқа ҳолатлар бўйича бекор қилиниши мумкинлигини кўзда тутгандагина йўл қўйилади. Бундай ҳолатларга, хусусан, қуйида-гилар билан меҳнат шартномасининг бекор қи-линиши киради:

➤ 18 ёшга тўлмаган шахслар билан, бажарётган ишни давом эттириш улар соғлигига зиён қиладиган ёки уларга бошқача тарзда зарар етказадиган бўлса, ота-онаси, вайсилар (ҳомийлар) ва ваколатли ор-ганлар (меҳнатни муҳофаза қилиш устидан назорат қилувчи органлар, вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиялар) талабларига кўра (МК-нинг 247-моддаси);

➤ муқобил хизмат ўтаётганлар билан, муқобил хизмат органлари талабига кўра (ОСПнинг 12-сон қарори 44-банди).

Абдусалом Рискўллаев,
«Norma» МЧЖ бош эксперти.



ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Техник кўриқдан ўтказишда янги қоидалар

Ички ишлар вазирининг буйруғи (АВ томонидан 9.02.2018 йилда 2303-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан автомобилотранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни мажбурий техник кўриқдан ўтказиш учун тўловларнинг янги ставкалари белгиланди.

Рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини ва қатъий ҳисобдаги бланкаларни беришда, автомобилотранспорт воситалари, уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари)ни рўйхатдан ўт-

казишда, қайта рўйхатдан ўтказишда, мажбурий техник кўриқдан ўтказишда, шунингдек имтиҳонларни олишда ундирилган тўловлар ставкалари га тегишли ўзгартиришлар киритилди.

2018 йил 10 майдан бошлаб қуйидаги тўлов миқдорлари қўлланила бошлайди:

Юридик шахсларга тегишли транспорт	
Юк ва махсус автотранспорт воситалари	ЭКИХнинг 40%и (68 896 сўм)
Автобуслар (микроавтобуслар)	ЭКИХнинг 20%и (34 448 сўм)
Енгил автотранспорт воситалари	ЭКИХнинг 10%и (17 224 сўм)
Мототранспорт воситалари ва тиркамалар (ярим тиркамалар)	ЭКИХнинг 10%и (17 224 сўм)
Жисмоний шахсларга тегишли транспорт	
Юк ва махсус автотранспорт воситалари	ЭКИХнинг 20%и (34 448 сўм)
Автобуслар (микроавтобуслар)	ЭКИХнинг 20%и (34 448 сўм)
Енгил автотранспорт воситалари	ЭКИХнинг 10%и (17 224 сўм)
Мототранспорт воситалари ва тиркамалар (ярим тиркамалар)	ЭКИХнинг 5%и (8 612 сўм)

Маълумот учун! Кўрсатилган санадан бошлаб мажбурий техник кўриқдан ўтказганлик учун тўлов автотранспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари (ярим тиркамалари) ҳар гал рўйхатдан ўтказилганда (қайта рўйхатдан ўтказилганда) ундирилади. Ҳозир олдинги техник кўриқ муддати ўтмаган бўлса, тўловлар тўланмайди.

Енгил автотранспорт учун унинг қиймати амалдаги ставкага (ЭКИХнинг 10%и) нисбатан ўзгармайди. Бунда қайд этилишича, жисмоний шахсларнинг енгил автотранспорти (М1 тоифасидаги) тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўриқдан ўтказилганда ДИХХХ органлари тўлов ундирмайди. ЭКИХнинг 10%и миқдоридagi ставканинг ўзи эса фақат 1.01.2019 йилгача амал қилади. Яъни шундай ҳулоса чиқариш мумкинки, кейинги йилдан бошлаб жисмоний шахсларнинг енгил автомобилларини техник кўриқдан ўтказиш тўлалигича тадбиркорлик субъектларига бериш режалаштирилмоқда.

НОРМАТИВ ЛОЙИХА

Тартиб ўзгаради

Адлия вазирлиги томонидан автотранспорт воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тартиби ўзгартирилишини назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳаси тайёрланмоқда. Бу ҳақдаги хабар идоранинг «Ҳуқуқий ахборот» телеграм-каналида пайдо бўлди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси юридик шахсларга тегишли автотранспорт воситаларини бошқараётган ҳайдовчилар жорий йил 1 январдан бошлаб 2 йилда 1 марта мажбурий малака оширишини жорий этишни назарда тутадиган қарорни қабул қилди.

Корпоратив транспорт ҳайдовчилари малакасини ошириш бўйича фаолиятни амалга оширишнинг мутлақ ҳуқуқи «Avtotest Report» МЧЖ ва устав фондида камиди 51% улуш (акция) шу компанияга тегишли бўлган ташиқлотларга тақдим этилган (ВМнинг 4.09.2017 йилдаги 693-сон қарори).

Ишлаб чиқараётган лойиҳа билан жорий қилинган тартиб ўзгартирилди:

1) ҳайдовчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи қонунчиликда белгиланган талабларга жавоб берадиган барча ҳўжалик юритувчи субъектларга берилади;

2) даврий равишда ҳайдовчилик малакасини ошириш талаби фақат тижорат сифатида ташиш билан шуғулланувчи шахсларга нисбатан сақлаб қолинади.



Келишилган йўлда

Кўпинча шаҳарда «Ў» – ўқув машинаси белгиси қайд этилган автомобилларни кўраман. Демак, ўқувчилар шаҳарнинг исталган трассасида амалда бошқарувга ўқитилар экан-да?

Ершин. Тошкент ш.

– Транспорт воситаларини бошқаришни дастлабки ўргатиш ёпиқ майдончаларда ёки автодромларда ўтказилиши керак.

Бошқаришни ўргатиш йўналишлари ДИХХХ билан келишилиши шарт. Бошқа йўлларда бошқаришни ўргатиш тақиқланади (ВМнинг 24.12.2015 йилдаги 370-сон қарори билан тасдиқланган ИХҚнинг 146, 151-бандлари).

Маълумот учун!

ПЕДАЛАР йўлни кесиб ўтаётганда турган АВТОБУС ОРҚАСИДАН, трамвайнинг эса ОЛДИДАН ўтадилар.

БИЗГА МАКТУБ ЙўЛЛАСИЗ

Саломатлиги панд бермаса

Қўшим – анча кекса киши, бироқ шу пайтгача машина бошқаради. Кексайган ҳайдовчилар учун муайян чекловлар борми?

К.Р. Тошкент ш.

– «Йул ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун билан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши назарда тутилган:

➤ ҳайдовчининг соғлиги транспорт воситасини хавфсиз бошқаришга монелик қиладиган тарзда ёмонлашганлиги тиббий ҳулоса билан тасдиқланганда*;
➤ ҳайдовчи содир этилган ҳуқуқбузарлик учун транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилганда. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан жавобгарлик чораси сифатида маҳрум этишга сабаб бўладиган ҳуқуқбузарликларнинг турлари қонун ҳужжатларида белгиланади. Транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этиш суд томонидан қўлланилади (29-модда).

*Пенсия ёшидаги ҳайдовчилар йилда 1 марта тиббий текширувдан ўтишлари шарт.

Маълумот учун!

Ҳайдовчилик гувоҳномасининг ДУБЛИКАТИ расмийлаштирилаётган пайтда 1 ойга вақтинчалик РУХСАТНОМА БЕРИЛАДИ. У яна БИР ОЙГА узайтирилиши мумкин.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

Инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун ДИХХИ қўллаётган янги усул

Тула давлат автоинспекцияси ходимлари махсус тайёрланган ёруғлик қайтарувчи полиэтилен пакетлар тақдимотини ўтказдилар, дея хабар берилади Тула вилояти ДИХХИ сайтида.

Бундай пакетларнинг омма орасида жорий этилиши пёдаларни сутканинг қоронғи пайтида кўришни осонлаштириши керак. ИТХ сонини қисқартиришга қаратилган лойиҳа намойиши ва тақдимоти ҳукумат комиссияси мажлиси доирасида бўлиб ўтди.

ДИХХИнинг махсус пакетларига ёруғлик қайтарувчи бўёқ воситасида «Тула, засветись!» («Тула, ёриш!») ёзуви туширилган, унга ёруғлик тушганда товланиб кўринади.

«Ҳўмия пакетлари» тармоқ дўконлари орқали ҳам сотилиши мўлжалланмоқда.

Автомототранспорт билан боғлиқ битим: тўғри расмийлаштириш

Нотариал расмийлаштириш

Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар (олди-сотди, алмаштириш, ҳада этиш, рента, ижарага бериш, текин фойдаланиш, гаровга қўйиш, лизинг шартномалари) нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқланиши керак (*ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 3-банди*).

Автомобилни бошқа шахсга бериш тақиқланмаганлиги ёки хатлаб қўйилмаганлиги текширилгандан кейин битим тасдиқланади. Нотариус автомобиль эгаси яшаётган (турган) жойдаги маълумотлар банкни юритувчи нотариал идорага сўровнома юбориб, текширувни амалга оширади (*АВ томонидан 4.07.2006 йилда 1589-сон билан рўйхатдан ўтказилган Низомнинг 33-банди*).

Битим «Давлат белгиси» ДИЧБ томонидан тайёрланган, ҳимоя даражасига, серияга, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган гербли (махсус) бланкада расмийлаштирилади. Бланкани битимни расмийлаштираётган нотариус тақдим этади. Улар унда қатъий ҳисобда турадиган бланкалар тарзида сақланади.

Автотранспортнинг янги эгасига (олувчисига, ижарачисига) гербли бланканинг биринчи (асл) нусхаси берилади (*38-сон Низомнинг 8-банди*).

Автотранспорт билан боғлиқ битимни нотариал расмийлаштирилганлик учун қуйидагилар ундирилади:

- герб йигими – ЭКИХнинг 10%;
- давлат божи. Давлат божи миқдори автотранспорт тури ва ундан фойдаланиш муддатига қараб белгиланади (*ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори билан тасдиқланган Ставкаларнинг 4-банди «к» кичик банди*).



Автотранспорт билан боғлиқ битимни тасдиқлаш чоғида нотариусга Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномада (102–120-бандлар, *АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган*) назарда тутилган ҳужжатлар тақдим этилади.

Сотишдан олдин техник кўрикдан ўтказиш

Автотранспортни бошқа шахсга бериш шартномаси нотариал тасдиқлангунга қадар унинг эгаси ИИВнинг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларига агрегатлар рақамлари рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун автомобильни тақдим этиши шарт. Автотранспорт воситаси рўйхатга олинган жойдаги ёки битим содир этилган (сотиб олувчининг танловига кўра) жойдаги ДИХХХ органларида кўздан кечирилади.

Баъзан автомобиль носозлиги (автомобиль эгаси соғлигининг ҳолати, ҳайдовчилик гувоҳномасининг мавжуд эмаслиги ёки бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилинганлиги) сабабли уни ДИХХХ органларига техник кўрикдан ўтказиш учун тақдим этишнинг имкони бўлмайди. Бу ҳолда ДИХХХ ходимлари автотранспорт турган жойга чиққан ҳолда техник кўрикдан ўтказадилар, унинг натижалари эса далолатномада қайд этилади.

Агрегатлар рақамларининг рўйхатдан ўтказиш рақамларига мувофиқлиги кўздан кечирган мансабдор шахснинг Ф.И.О., кўздан кечирилган сана кўрсатилган ва мансабдор шахс имзоси қўйилган ҳолда рўйхатдан ўтказиш ҳужжатидаги штамп билан тасдиқланади. Штамп 10 кун мобайнида амал қилади.

Автомототранспорт воситаси кўздан кечирилганлиги учун тўлов ундирилмайди (*38-сон Низомнинг 7-банди*).

Автомобилни техник кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар битимни тасдиқлаш чоғида нотариусга тақдим этилади.

Нотариал тасдиқланмайди

Қуйидагилар нотариал тасдиқланмайди:

- автототранспортни ишлаб чиқарувчи корхоналар, уларнинг вакиллари ва воситачи (дистрибуторлик) ташкилотлар билан тузилган олди-сотди шартномалари;
- лизинг хизматлари кўрсатадиган ташкилотлар билан тузилган юк автомобиллари ва махсус техникани лизингга бериш шартномалари (енгил автотранспорт воситалари лизингдан ташқари);
- камида 2 млрд сўм миқдорида устав капиталига эга бўлган кредит ташкилотлари ва асосий фаолият тури лизинг ҳисобланган ташкилотлар билан тузилган, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган енгил автомобилларни лизингга бериш шартномалари;
- Давлат рақобат қўмитаси ёки Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси (уларнинг ҳудудий бўлинмалари) томонидан ташкил этилган кимошди савдолари якунларига кўра тузилган шартномалар;
- ДИХХХда рўйхатдан ўтказилмайдиган транспорт билан боғлиқ битимлар;
- Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимида (ТСОЯЭАТ) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган автотранспортни етказиб беришга импорт контрактлари.

ДИХХХда давлат рўйхатидан ўтказиш

Битим тузилган пайтдан бошлаб 10 кун мобайнида, назарда тутилган ҳолларда эса – у нотариал тасдиқланган кундан бошлаб автототранспортни ДИХХХ органларида рўйхатга олиш зарур (*38-сон Низомнинг 11-банди*).

Республика божхона ҳудудига олиб кирилган ва «Эркин муомала учун чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштирилган автотранспорт худди шундай муддатларда рўйхатдан ўтказилади.

Юридик шахсларнинг автомобилларини давлат рўйхатидан ўтказиш юридик шахснинг жойлашган жойи (почта манзили) бўйича ДИХХХ ҳудудий органларида амалга оширилади (*Низомнинг 15-банди, ВМнинг 31.08.2017 йилдаги 683-сон қарорига 1-илова*).

Автотранспортни рўйхатдан ўтказиш чоғида қуйидаги тўловлар ундирилади:

- рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисини (РЎДРБ) берганлик учун тўлов – ЭКИХнинг 1,5 баравари (тўлов ставкаси оширилган давлат рақами белгилари бундан мустасно);
- автототранспорт воситалари ва уларнинг тиркачаларини рўйхатга олганлик учун тўлов – ЭКИХнинг 10%;
- фойдаланилган автомобилларни мажбурий техник кўрикдан ўтказганлик учун тўлов – ЭКИХнинг 10% (*АВ томонидан 21.12.2011 йилда 2303-сон билан рўйхатдан ўтказилган Ставкалар*);
- Республика йўл жамғармасига йигим. Янги, фойдаланишда бўлмаган автотранспорт воситалари бўйича йигим харид қилиш нархидан 3% миқдорида туланади. Фойдаланилган автотранспорт бўйича йигим транспорт тури ва фойдаланиш муддатига қараб ҳар бир от кучи учун ЭКИХга нисбатан фоизда ҳисоблаб чиқарилади (*29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454-сон қарорга 22-илова*).

Тўлов ставкаси оширилган давлат рақами

Бу автотранспорт эгаларига ҳарф ва рақамлар комбинациясини танлаш имкони билан берилган алоҳида рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгисидир. Оширилган ставкали РЎДРБ учун тўловлар миқдорлари Жисмоний ва юридик шахсларга автотранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларини оширилган тўлов ставкалари бўйича беришда «Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси» АЖ ахборот тизимида аукцион ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (*ВМнинг 683-сон қарорига 2-илова*) 2-иловада акс эттирилган.

Берилган РЎДРБ, шу жумладан оширилган тўлов ставкаси бўйича, автотранспорт воситаси эгасининг мулки ҳисобланмайди, балки унга қатъий белгиланган мақсадда фойдаланиш учун тақдим этилади.

ДИХХХда рўйхатдан ўтказилмайдиган транспорт

Қуйидагилар ана шундай транспорт воситалари сирасига киради:

- ёпиқ жойларда ва қишлоқ ҳўжалигида қўлланиладиган, умумий йўлларда фойдаланишга мўлжалланмаган технологик транспорт воситалари (тракторлар ва уларнинг тиркачалари, қурилиш-йўл ва мелиоратив техникаси, ўзиюрар ва қишлоқ ҳўжалиги машиналари);
 - фақат конларда, шахта ва карьерларда қўлланиладиган махсус транспорт воситалари;
 - трамвай ва троллейбуслар;
 - Мудоффа вазирлиги, МХХ, ИИБ, Миллий гвардияга тегишли бўлган ҳарбий транспорт воситалари.
- Кўрсатилган транспорт воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш белгиланган тартибда тегишли вазирликлар ва идоралар томонидан амалга оширилади.

Музаффар Мирзаганиев,
«Norma» МЧЖ эксперти.

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИДАН

АҚШда тирбандликларга қарши курашиш чорасини топдилар. Маҳаллий ҳукумат ҳайдовчиларни 2 та: маҳаллий ва бошқа шахарликлар тоифасига бўлишга қарор қилди.

Нью-Жерсидаги Леония шахри ҳокимияти бошқа шахарлик ҳайдовчиларнинг маҳаллий йўллардан фойдаланишини тақиқлаб қўйди. Бундай чора шахар йўлларини бўшатиш ва тирбандлик

муаммосини ҳал этиши керак.

Гап шундаки, кўпчилик америкаликлар Нью-Йоркка кетаверишдаги Жорж Вашингтон кўпригига етиб олиш учун Леония орқали ўтадилар. Натижада ахо-

лиси сони 9 минг кишидан сал ошадиган шахар йўллари доим тўла бўлади.

Хусусан, Леонияда доимий яшовчи ёки ишловчи ҳайдовчиларга махсус сарик бирка бердиладар. Карточка тиғиз пайтда шахар бўйлаб тўсиқсиз ҳаракатланиш ҳуқуқини беради. Тиғиз пайт – эрталабки соат 6 дан 10 гача ва кечки соат 16 дан 21 гача полиция қўлига



тушадиган сарик биркасиз ҳайдовчиларга нисбатан эса 200 АҚШ доллари миқдорида жарима қўлланилади.

Интернет тармоғи материаллари асосида.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Нотариал ҳаракатлар учун барча тўловлар – фақат «Нотариус» ААТ орқали

Адлия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 22.02.2018 йилда 2090-17-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Нотариал ҳаракатлар учун ундириладиган давлат божи, герб йиғими, шунингдек ҳукукий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатлар амалга оширилганлиги учун тўловлар бўйича квитанциялар фақатгина «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда – Тизим) орқали берилиши белгиланди.

Тўловни тасдиқловчи аънавий ҳужжатлар (тўлов топшириқномалари, квитанциялар) кўчмас мулк, автотранспорт, корхоналар билан бўладиган битимларда тақдим этиладиган ҳужжатлар рўйхатидан чиқариб ташланди.

Бунда нотариал ҳаракатлар тўловлар амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар Тизимга келиб тушгандан сўнг амалга оширилади. Тўлов амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумот чоп этилади ва ҳужжатлар йиғмажилдига тегилади.

Бундан ташқари, эндиликда Тизимга нотариуслар томонидан амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар киритилади. Уларни реестрда рўйхатга олиш бўйича мажбурият ҳам сақлаб қолинади ва биргаликда олиб борилади.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) расман эълон қилинган ва 22.02.2018 йилдан кучга кирди.

Самир Латипов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Эълонлар ва реклама

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маиший техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов – исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Малакали адвокат. Тел.: (+998 97) 402-16-02. *Хизматлар лицензияланган.*

Кўчалар ташкилоти, экиш, дизайн. Кўчатлар: барги тўқиладиган, игнабаргли, мева-ли. Тўлов исталган усулда. Тел. (+998 90) 317-33-45, факс (+998 71) 262-48-16.

НОРМА

«КИЧИК КОРХОНА ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»

Ўзбекистондаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш. Уйғурiston йўли,
Ташкилотлар КМЖ, 1-й.
Тел. (+998 71) 200-00-90.
E-mail: office@norma.uz,
web: www.norma.uz

Нью-Йоркда паспортимни йўқотиб қўйдим. Унинг ксеронусхаси билан Далласгача учиб келдим, у ерда мени қайлигим кўтиб олди. Ҳозир расман турмуш қурганмиз, менинг йиғмажилдим иммиграция хизматида топширилган. Ўзбекистон фуқаросиман, бироқ квартирамни сотиб юборганим сабабли пропискага эга эмасман. Квартиранинг янги эгаси мени суд орқали пропискадан чиқариб юборган. Қўлимда суднинг ҳал қилув қарори нусхаси, 16-сон шакл ва 17-сон шакл бор. Уларда пропискадан чиқарилганлигим кўрсатилган, яна паспортимнинг ва АҚШга визанинг нусхаси, туғилганлик тўғрисида гувоҳнома ва 2 та диплом, паспортим йўқолганлиги тўғрисида полиция маълумотномаси ва никоҳ тузилганлиги тўғрисида гувоҳнома бор. Паспортимни Ўзбекистондан АҚШга учиб келаётганимда йўқотган бўлсам, Ўзбекистонга келмай туриб, уни ЎЗР Консулхонасидан олсам бўладими?

Пола У.

Паспорт йўқотиб қўйилган бўлса

– Вақтинча яшаш учун чет элга кетган, у ерга ошқора келган ва чет элда доимий яшашга қарор қилган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари доимий яшашга рухсатномани расмийлаштириш учун белгиланган шаклдаги ҳужжатлар билан Ўзбекистон Республикасининг тегишли консуллик муассасасига мурожаат қилди.



Консуллик муассасасига мурожаат қилди. Консуллик муассасаси фуқароларнинг чет элда доимий яшаш учун қолдириш бўйича ҳужжатларини расмийлаштириш ва масалани белгиланган тартибда келишиш учун ҳужжатларни ТИВ орқали ИИВга юборади (Тартибнинг 6-банди, ВМнинг 6.01.1995 йилдаги 8-сон қарорига 1-илова).

Ўзбекистонга кирмасдан биометрик паспорт олиш учун доимий яшаш жойида қолишни расмийлаштириш таомилини бошлашингиз зарур. Бунинг учун кириш-чиқиш ва фуқаролиқни расмийлаштириш бўлимида паспортни алмаштириш ва доимий яшаш жойига чиқишни расмийлаштириш учун Ўзбекистонга кела олмаслигингизни исботловчи мавжуд барча ҳужжатларингизни илова қилиб, бизнинг консуллик муассасаси ёки дипломатик ваколатхонага асослангилан ариза билан мурожаат этишингиз лозим.

Қоидабузар учун жарима

Талабаман, ёшим 21 да, Алматида ўқийман ва яшайман, вақтинчалик пропискага эгаман. Ўзбекистондаги пропискадан чиқарилганман ва ҳеч қаерда ҳарбий ҳисобда турмайман. Қозғистондаги Элчихона орқали рухсат берувчи стикер олишим мумкинми? Гап шундаки, ҳужжатлар рўйхатида ҳисобда турганлик тўғрисидаги гувоҳнома ҳақида ҳеч нима дейилмаган. Ҳарбий ҳисобда туришдан бўйин товлаш нимага олиб келади?

Г.Амирбеков.

– «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунга ва Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳарбий рўйхатга олиш тўғрисидаги низомига (ВМнинг 4.03.2003 йилдаги 119-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ, доимий яшаш жойига кетиш учун пропискадан чиқётганда турар жойингиздаги мудофаа ишлари бўлимини вақтинча яшаш жойига кетаётганлигингиз ҳақида хабардор қилишингиз шарт эди. Энди хорижда чиқишни расмийлаштириш бошлаш учун биринчи навбатда консуллик ҳисобига туришингиз керак. Бу бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасасида ҳарбий рўйхатдан ўтишингизни аниқлатади.

Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларини бузиши, шунингдек чақирув бўйича мудофаа ишлари органларига узрсиз сабабларга кўра келмаслиги ёки турар жойи, ўқиш жойи, иш жойи ва лавозимидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қаерда ҳарбий ҳисобда турган бўлса, шу органга ўз вақтида маълум қилмаслиги, ЭКИХнинг 1/10 қисмидан 1/3 қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 235-моддаси).

Ташвишли ҳолат

Россияда фирибгарлардан жабр кўриб, ҳам паспорти, ҳам туғилганлик тўғрисидаги гувоҳномадан маҳрум бўлган Ўзбекистон фуқароси нима қилиши керак?

П.Вурсов.

– Аввало жиноят содир бўлган жойдаги ички ишлар органига мурожаат этиб, фирибгарлик ҳолатини батафсил баён қилган ҳолда ариза беришни тавсия этамиз. Бунда жиноят далили бўйича полицияга мурожаат қилганлигингиз тўғрисида албатта маълумотнома олинг.

Сўнгра ватанга қайтиш учун сертификат олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Элчихонасига мурожаат қилиб, полициянинг ҳодиса ҳақидаги маълумотномасини тақдим этишингиз зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясида паспорт ўғирлашиши билан алоқадор бўлган барча манфаатдор вазирлик ва идораларни хабардор қилишга доир зарур чора-тадбирлар амалга оширилгандан кейин Элчихона сертификат беради. Унинг асосида Ўзбекистондаги доимий яшаш жойингизга қайтиб, ҳужжатларингизни тиклашингиз мумкин.

Ҳаммаси қоидада биноан

Мен фуқаролиги бўлмаган шахсман, Тошкентдан Россияга ўқишга келдим. 2 йилга стикер (чиқиш учун) олганман ва Санкт-Петербургдаги ўқиш жойимда рўйхатдан ўтганман. Бу ерда ўқиш чоғида 2 йил турмоқчиман, бироқ таътилда ота-онам олдида келиб тураман. Консуллик ҳисобига туришим керакми?

Ольга К.

– Хорижда доимий яшаш учун чиққан, шунингдек вақтинча хорижда бўладиган фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг хориждаги консуллик муассасаларида доимий ёки вақтинча консуллик рўйхатида туришлари шарт.

Хорижда доимий яшаш учун чиққан ва хорижда доимий яшаш учун чиқишларини расмийлаштирган фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий консуллик рўйхатида олинди.

Хорижда хизмат сафарига, ўқиш, даволаниш ва шартнома бўйича ишлаш учун чиққан ва хорижда вақтинча чиқишларини белгиланган тартибда расмийлаштирган фуқаролиги бўлмаган шахслар вақтинча консуллик рўйхатида олинди.

Фуқаролиги бўлмаган шахс ўзи бораётган мамлакатга қонуний тарзда ва 6 ойдан ортиқ вақтга келган тақдирда, у вақтинча консуллик рўйхатида олинди.

Агар фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш, шунингдек иш, ўқиш ёки хизмат сафари жойи ўзгариши муносабати билан 6 ойдан ортиқ муддатга Ўзбекистон Республикасининг бошқа консуллик муассасасининг консуллик округи ҳудудига қўчиб ўтишса, илгари турган жойларидаги консуллик рўйхатидан (доимий, вақтинча) чиқишлари ва янги келган жойларида консуллик рўйхатига туришлари лозим.

Консуллик рўйхатида олиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда йиғим ундирилади (Низом, ВМнинг 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонида 2-илова).

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma» МЧЖ эксперти.



НОРМАТИВ ЛОЙИХАЛАР

10 кунлик муддат берилади

Адлия вазирлиги фуқароларни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида яшаш жойи бўйича ҳисобга олиш таомилини соддалаштиришга доир Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳасини ишлаб чиқди. Идоранинг «Хуқуқий ахборот» телеграм-каналида шу ҳақда хабар берилган.

Ҳисобга турмасдан яшаш муддати – 10 кун
Ҳозир Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш ва турган жойи бўйича ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 16.02.2012 йилдаги 41-сон қарорига 1-илова) 14-бандига мувофиқ, вақтинча прописка учун ҳужжатларни келган кунидан бошлаб 5 кун муддатда тақдим этиш лозим.

Ўзбекистон фуқароларининг пойтахт ва пойтахт минтақасида 10 кунгача бўлган муддатда туришини ҳисобга олиш талаб этилмаслигини белгилаш таклиф қилинмоқда.

Бу муҳим! Темир йўл чиптаси ёхуд авиачипта бўйича келиш санасини ушбу муддатнинг бошланиши деб тан олиш режалаштирилмоқда. Чипта бўлмаса – участка инспекторининг фуқаро келганлиги тўғрисида паспорт нусхасига қайд этган белгиси шундай сана ҳисобланади.



Бошқа ҳудудлардан келганлар учун кўчмас мулк

Адлия вазирлиги ўзининг «Хуқуқий ахборот» телеграм-каналида Давлат божи ставкаларига (ВМнинг 3.11.1994 йилдаги 533-сон қарори) ўзгартиришлар лойиҳасини жойлаштирди.

Таклиф этилаётган тузатишларга мувофиқ Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятидаги кўчмас мулкнинг (унинг бир қисмининг) олди-сотди, айирбошлаш, рента, ўзгага бериш ёки бошқача тарзда воз кечишни **нотариал тасдиқлаш учун** давлат божи ставкаси Ўзбекистонда доимий яшовчи ва мамлакатнинг бошқа ҳудудларида ҳисобда турган жисмоний шахслар учун шартнома суммасининг 3%, **бирок ЭКИХнинг 10 бараваридан кам бўлмаган** миқдорни ташкил этади.

Давлат божи ставкалари пасайтирилиши билан бирга 2017 йилнинг июлидан амалда бўлган пойтахт ва пойтахт вилоятида кўчмас мулкни сотиб олиш бўйича бошқа жойда яшовчилар учун қуйидаги барча

кўшимча талаблар ҳам бекор қилиниши таклиф этилмоқда:

➤ Тошкент ва Тошкент вилоятидаги янги қурилган уй-жойларда кўчмас мулк харид қилиш тўғрисидаги (яъни иккиламчи бозорда уй-жой сотиб олишга рухсат берилади);

➤ ЭКИХнинг 2 500 баравари миқдоридagi сотиб олинаётган уй-жойнинг энг кам қиймати тўғрисидаги (яъни бундан ҳам арзонроқ уй-жой харид қилиш мумкин бўлади);

➤ сотиб олинган кўчмас мулк учун банк ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобни амалга ошириш тўғрисидаги. Кўчмас мулк сотиб олинган кундан бошлаб 3 йил

Вақтинчалик прописка – 10 кундан 1 йилгача
Ҳозирги пайтда кўрсатилган Низомнинг 12-бандига мувофиқ фуқаро Тошкент шаҳрида ва Тошкент вилоятида турган жойи бўйича уни доимий яшаш жойидан пропискисдан чиқармасдан 5 кундан 6 ойгача муддатга ҳисобга олинади. Ўқиш учун таълим муассасасига келган фуқаролар учун эса – ўқиш даврига.

Ушбу муддатларни 10 кундан 1 йилгача ошириш таклиф этилмоқда.

Мавсумий ишга – ижара шартномасисиз

Мавсумий ишларга (қурилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқалар) **жалб қилинган** фуқароларнинг келган жойи бўйича ҳисобга олиниши талаб этилмайди. Бунинг ўрнига уларнинг профилактика инспектори томонидан махсус китобда рўйхатга олинишини жорий этиш тартиби таклиф этилмоқда.

Бунинг учун мавсумий иш бажарилиши тўғрисида расмий шартнома тузиш талаб этилади, унда профилактика инспектори рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги белгиси қайд этади. Шартнома билан бирга паспортнинг асл ва кўчирма нусхаси тақдим этилади.

Самир Латипов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

мобайнида уни қайта расмийлаштириш учун белгиланган амалдаги ЭКИХнинг 400 баравари миқдоридagi юқори ставка бир истисно билан сақлаб қолинди. Эр-хотинга, мулкдорнинг ота-оналари, фарзандлари, набиралар, бувилар, боболар, қондош ака-ука ва опа-сингиллариға ҳада қилишни расмийлаштиришда мазкур қоида қўлланилмайди.

Мамлакатимизда яшаш гувоҳномасига эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар томонидан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги кўчмас мулкни сотиб олиш шартлари лойиҳага кўра ўзгармайди. Эслатиб ўтамиз, уларга шартнома суммасидан 10% миқдоридagi давлат божини тўлаган ҳолда ҳисоб-китобни банк ҳисобварақлари орқали амалга ошириш билан 600 млн сўмдан кам бўлмаган қийматдаги кўчмас мулкни сотиб олишга рухсат этилади. Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларида пропискага эга бўлган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар учун эса юқорида санаб ўтилган 3 та талаб давлат божни тегушли тарзда пасайтирилган ҳолда сақлаб қолинади.

Қоидаларни бузганлик учун жарималар пасайтирилади

Адлия вазирлиги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Меҳнат кодексига киритиладиган тузатишлар пакетини ишлаб чиқди. Қонун лойиҳаси матни идоранинг «Хуқуқий ахборот» телеграм-канали воситасида тарқатилди.

Биринчидан, МЖТКнинг 223-моддаси 1-қисмига кўра паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жаримани ЭКИХнинг 1/2 қисми даражасида белгилаб, бу билан юқориқарғи жарималарни қўллаш имкониятини истисно этиш таклиф этилмоқда (ҳозир жазо миқдори табақалаштирилган – ЭКИХнинг 1/2 қисмидан 3 бараваригача).

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилганлиги учун жарима амалдаги ЭКИХнинг 5 бараваридан ЭКИХнинг 1 бараваригача пасайтирилади.

МЖТКнинг 223-моддаси 3, 4-қисмларига кўра жарималар миқдорларини тегушинча ЭКИХнинг 5 ва 10 бараваригача пасайтириш таклиф этилмоқда.

Иккинчидан, 223-модда бўйича фақат вояга етган, яъни ҳуқуқбузарлиқни содир этиш пайтида 18 ёшга тўлган шахслар маъмурий жавобгарликка тортиладиган бўлади. Ҳозир мазкур моддага кўра фуқароларга нисбатан 16 ёшдан бошлаб жазо қўлланилади, бироқ 2018 йилги Давлат дастурида вояга етмаганларни белгиланган муддатда паспорт олмаганлиги учун маъмурий жавобгарликдан озод қилиш назарда тутилган.

Учинчидан, фуқароларнинг вақтинча ёки доимий пропискисиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшашига йўл қўйганлик учун паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун жавобгар бўлган шахсларга нисбатан жазо чораси қўлланилмайди. Худди шундай ўзгартиришлар турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаган фуқароларга дахл этади.

Бундан ташқари, ишга қабул қилиш чоғида паспорт тизими қоидаларини бузганлик учун жазо чораларини назарда тутувчи МЖТКнинг 223-моддасини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда. Президентнинг 22.01.2018 йилдаги ПФ-5308-сон Фармони ана шундай тузатиш киритишни тақозо қилди.

Тўртинчидан, ишга қабул қилиш чоғида ишга кираётган шахснинг паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлари қабул қилинади. Бу қонун лойиҳасини ишлаб чиқувчиларнинг нуқтаи назаридан, ишга жойлаштириш чоғида қуйидаги ҳужжатларни ҳам тақдим этиш имконини беради:

- тугилганлик ҳақида гувоҳнома;
- ҳарбий қисм ва ҳарбий муассасалар қўмондонлиги томонидан бериладиган шахсни тасдиқловчи ҳужжат ёки ҳарбий билет (ҳарбий хизматга мажбур фуқароларнинг ҳарбий билетлари бундан мустасно);
- Ўзбекистон Республикасида яшаш гувоҳномаси;
- янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномаси.

Лойиҳалар ўзгартирилиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Олег Заманов,
«Norma» МЧЖ эксперти.

Иқтисодий-ҳуқуқий газета

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНБОЕВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш. Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
ётказиб бериш ва харид қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АҚТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани жойлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларига
муурожаат қилиш мумкин.

Газета нашри – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида теригиди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 106. Қўзғатилган – А3. Ҳўкми – 2 бося табоқ. Баҳоси кўчирилган нарқда.
Бўртма 114. Адади 995. Газета 2018 йил 26 февраль савт 15.00 да топириди.